

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (11.169)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият карвон саройида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида «Бу замин—менинг Ватаним» мавзусидаги кўрик-танлов якунланди.

●Фаргона вилояти пиллакорлари шартномавий режани бажардилар. Мавсум бошида 33 минг нафар ипак курти боқувчига тарқатилган 41 минг ипак курти ҳисобига 2342 тонна «кумуш тола» олинди. Ушбу хирмон ўтган йилгига нисбатан 133 тонна ортиқдир.

●Ёшлар йили муносабати билан Пахтабодда мухташам «Ёшлар хиёбони» барпо этилди. Бу мухташам масканининг бунёд бўлишида бир гуруҳ тадбиркору хомийлар, маҳаллий ҳокимлик идоралари фаол ташаббус кўрсатишди. Хиёбонда йигит-қизларнинг маънавий ва маданий савиясини ошириш, турли бадий-музыкали кечалар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё. Бундан ташқари, ёшлар масканида қаҳвахона, гузаллик маркази ва бошқа бир қанча маиший муассасалар ҳам аҳолига хизмат кўрсатади.

●Бухоро шаҳрида китобхонликни оммавийлаштириш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг бир қанча олий ўқув юртлири ўқитувчилари, талабалар, шунингдек, Бангладеш, Буюк Британия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Эрон давлатлари вакиллари қатнашди.

●Олим Хўжаев номидagi Сирдарё вилоят музыкали драма театрида танловнинг туман, шаҳар босқичларида муваффақиятли қатнашган 21 нафар хонанда иштирокида «Ватан ягонадир—Ватан биттадир» кўшиқлар танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

●Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг навбатдаги умумий йиғилиши Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад қорақалпоғистонлик rassomларнинг ишлари билан яқиндан танишидир.

●Кеча Тошкентдаги «Универсал» спорт саройида болалар ва ўсмирлар ўртасида бадий гимнастика ва хореография бўйича «Олимпия умидлари» номли халқаро турнир бошланди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Бадий гимнастика федерацияси мусобақанинг ташкилотчилари бўлишди.

●«Сурхонмедкоттон» МЧЖ ташаббуси билан Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғида барпо этилган замонавий корхонага хориждан маъданли сув ишлаб чиқарадиган замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди.

ЖАҲОНДА

●Россия Федерацияси Президенти Д.Медведев Германияга ташриф буюрди.

●АҚШнинг собиқ биринчи хоними Хиллари Клинтон президентлик сайловолди кампаниясидан чиқиб кетди. У президентлик учун курашда партиядоши Барак Обамани қўллаб-қувватлашни билдирди.

●Шри-Ланка шимолида ҳукумат тарафдорлари билан жангарилар ўртасида тўқнашув содир бўлди. Мамлакат Куролли кучлари вакилининг хабар беришича, тўқнашув оқибатида 35 нафар исёнчи ўлдирилган ва битта ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган.

●Кеча Пентагон раҳбари Роберт Гейтс мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари штаби бошлиғи истеъфосини қабул қилди.

●Германия ҳукумати мамлакат полициясининг ваколатини кенгайтирувчи янги қонун лойиҳасини тайёрлади. Терроризмга қарши курашиш мақсадида ишлаб чиқилган бу лойиҳа парламент томонидан тасдиқланса, немис миллий полицияси фуқароларнинг телефон сўзлашувларини тинглаши, мониторинг қилиши ва шахсий компьютерларни назорат қилиши мумкин бўлади.

●Кеча Россиянинг Хакасия ўлкасида Абакандаги болалар боғчасида болаларнинг энтеровирус билан ёппасига касалланганининг сабабини аниқлаш ва унинг олдини олиш фаолиятини амалга оширувчи махсус комиссия иш бошлади. Таъкидлаш жоизки, Абакандаги боғчаларнинг бирда энтеровируснинг тарқалиши туфайли икки тарбияланувчи ҳаётдан кўз юмган, 32 нафар бола касалхоналарга жойлаштирилган.

●Кеча Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган навбатдаги савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 127,79 доллар қийматида қайд этилди.

●Бугун Санкт-Петербургда 12-Халқаро иқтисодий форум ўз ишини бошлади. Уч кун давомида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган 8 мингдан ортиқ қатнашчи форум доирасида жаҳон иқтисодиётидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари кўриб чиқади. Форумда Россия иқтисодий тараққиётининг ютуқларини ўзида акс эттирган кўргазма ҳам намойиш этилмоқда.

●Американинг Гуантанамо (Куба) ҳарбий базасида 2001 йил 11 сентябрь кўпуровчиликлари ташкилотчилари устидан суд жараёнлари бошланиши эълон қилинди. Ҳарбий трибунал вакили генерал Том Хартманн суднинг қора кўрсисига бундан 4 йил аввал қўлга олинган Халид Шайх Мухаммад ва унинг 4 нафар шериги ўтиришини айтиб ўтди. Улар Нью-Йорк, Вашингтон ва Пенсильвания штатларида амалга оширилган мудҳиш кўпуровчиликда айбланмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●МИРОБОД туманидаги Фафур Гулом номли маданият уйида БУГУН сартарошлик ўқув курси ташаббуси билан уюштирилган «Очиқ дарс» тадбирида маҳалларда яшовчи ёшлар ва ота-оналар иштирок этишди.

●КЕЧА Ўзбекистон Давлат санъат музейида атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

●УЧТЕПА туманидаги 234-мактабга таълим муассасасида болажонларнинг севимли масканлари билан хайрлашув кечаси уюштирилди.

●ЎТГАН куни Чилонзор туман ҳокимлигида уюштирилган акция «Бунёдкор ёшлар» деб номланди.

●ПОЙТАХТИМИЗДА қишлоқ хўжалигини мониторинг қилишда деҳқон ва фермер хўжалигининг аҳамиятига бағишланган анжуман Осиё тараққиёт банки вакиллари иштирокида бўлиб ўтди.

●РЕСПУБЛИКА Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Осиё тараққиёт банки дастури ҳамкорлигида Бутунжаҳон атроф-муҳит кўнига бағишлаб тадбир ўтказилди.

●КЕЧА Аёллар Кенгаши жамоат бирлашмаси ташаббуси билан уюштирилган хайрия тадбири Ёшлар йилига бағишланди.

●ШАХМАТ бўйича кичик ёшдаги болалар ўртасида ташкиллаштирилган Тошкент шаҳар очиқ чемпионати ниҳоясига етди.

●ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-текшириш институтида олимлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуманда Полимерлар кимёси фанининг жамият тараққиётида тугган ўрни борасида сўз борди.

●«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

●ЯККАСАРОЙ туманидаги 319-мактабда «Уддабурон бегойим» ўқув курси қатнашчилари томонидан тайёрланган либослар кўргазмаси намойиш этилди.

●БАДИЙ академиянинг Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган плакатлар кўргазмаси «Замонавий дизайн» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДА МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ, БОЗОРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ ТУФАЙЛИ ТОВАРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ОШИРИШ КОРХОНАЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. БУНДА МАҲСУЛОТНИНГ ЮҚОРИ СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР ХАРИДОРЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРАДИ, КОРХОНА НУФУЗИНИ ОШИРАДИ, БОЗОРДАГИ МУҚИМ ЎРНИНИ БЕЛГИЛАЙДИ.

Иқтисодиёт
РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда 2005 йилдан фаолият юритаётган «ART FAVORIT-mebel» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам нафақат сифатли ва рақобатбардош мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг оширишига, балки замонавий хорижий қурилиш ашёларини талаб-эҳтиёжга кўра етказиб беришга ҳам эътибор қаратмоқда.

— Юртимизда кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари ривожига давлатимиз томонидан қаратилаётган юксак эътибор туфайли, — дейди жамият бошқаруви раиси Улуғбек Раҳмонбердиев, — бошқа соҳалар сингари мебелсозлик ҳам кейинги йилларда ривожланмоқда. Боиси, қад роллаётган кўркам ва замонавий мухташам бино, иншоотлар, ўқув масканлари, мактаблар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда. Мазкур объектлар, албатта замонавий қурилиш ашёлари ҳамда бежирим, қулай, мустаҳкам мебеллар билан жиҳозланади.

Мазкур корхонанинг 15 нафар ўз касб-корининг усталари бўлган мебелсозлари цехларда ўрнатилган юксак унумли ускуна ва дастгоҳлар мададида «FAVORIT» савдо белгиси билан буюртмачиларга кўп йиллик кафолат билан мебеллар тайёрлаб беришмоқда. Масалан, ўтган қисқа вақт



иҳида жамоа ахлининг саъй-ҳаракатлари туфайли замонавий дизайндаги, экологик тоза хом ашёдан кўплаб офис, кўшма корхона, хорижий корхона, даволаш муассасаларига, овқатланиш шохобчаларига мебел термалари буюртма асосида етказиб бе-



ридли. Эътиборли томони, мебелсозлар узокни кўзлаган ҳолда мустаҳкам мебеллар ишлаб чиқаришда асрлар оша синалган маҳаллий хом ашё — ёнғоқ, чирордан мижозининг талаб-истагига кўра ламинат тахта, МДФдан кенг фойдаланишда ҳамда мебелларнинг замонавий дизайнига ва албатта, сифатига алоҳида эътибор қаратиша-

ди. Шу тариқа жамоа ахли маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиётимиз ривожига ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Замон билан ҳамнафас корхона тадбиркорлари доимий изланишда, икки бозорни чуқур ўрганиш асосида янгидан-янги мебел турларини яратишни йўлга қўйишмоқда. Шунингдек, туман, шаҳар миқёсидаги ва халқаро кўргазмаларда корхона ахли ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этиб, фойдали шартномалар тузишяпти, тажриба алмашишмоқда. Яқинда пухта ишланган яна бир лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади — Туркия давлатидаги ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли шартнома имзоланади. Унга асосан корхона тадбиркорлари туркияликларнинг жаҳонга машҳур компаниялари ишлаб чиқарган сифатли ва рақобатбардош янги қурилиш ашёларини республикамизга келтириши кўзда тутилган.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «ART FAVORIT-mebel» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг «FAVORIT» савдо белгиси билан тайёрланаётган мебеллари харидорғирлиги билан ажралиб туради.
 Наталья Семёнова олган суратлар

ХИТОННИНГ ЕТАКЧИ ГАЗЕТАЛАРИДАН БИРИ — «ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО» МАМЛАКАТИМИЗДАГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

«Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди, — деб ёзади нашр. — Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш ва халқ саломатлигини янада мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида олдиндаги сафга чиқди. 1993 йил 23 апрелида Президент Ислам Каримов фармони билан «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ташкил этилди. 1998 йилда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши ва унинг мамлакат стратегик тараққиёти асосий йўналишлари доирасида амалга оширилиши соҳадаги ислохотлар муваффақиятида муҳим аҳамият касб этди».

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг қўламини таъкидлаган ҳолда, нашр, жумладан оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратади.

«Ўзбекистонда оила, оналар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, — деб ёзади «Жэньминь Жибао». — 1998-2002 йиллар давомида «Она ва

қаро ташкилотлар ҳам тан олинмоқда. «Болаларни асранг» (Save the Children) халқаро ташкилотининг оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга бағишланган ҳисоботида таъкидланишича, Ўзбекистон аёлларга яратиб берилган шарт-ша-

— 66,7, Беларусда — 69,9, Украинада — 69,5, Қозғистонда — 66,2, Қирғизистонда — 68,4га тенг», — деб ёзади газета.

«Жэньминь Жибао», шунингдек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган бюджет маблағлари миқдори йил сайин ошиб бораётганини таъкидлайди. «2006 йилда ушбу кўрсаткич ҳажми 1999 йилга нисбатан 7,4 баробарга ошиб, 480,8 миллиард сўмни ташкил этди. 2007 йилда соғлиқни сақлаш тизимига 625 миллиард сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 862 миллиард сўмни ташкил этиши мўлжалланган», — дейди нашр.

Мақола сўнггида муаллиф Ўзбекистон Президентининг ўтган йил сентябрь ойида қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармон аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этади.

— Унда тиббиётда жаҳон андозалари асосида янада ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ўз ифодасини топган, — дея таъкидлайди нашр.

«Жаҳон» АА, Пекин

«ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО»:
«ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ»

Унда «Евроосиё» уюшмаси раиси ва «EKOAVRASYA» журналі бош муҳаррири Хикмет Эрен, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Мехмет Кемал Асъя, мамлакатимизнинг Анкарадаги элчихонаси вакиллари иштирок этишди. Бир соатга яқин давом этган кўрсатув жаҳоннинг 110 мамлакатига узатилди.

Томошабинлар эътиборига шу йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистонда бўлиб кайтган «TRT» телевизион гуруҳи томонидан тайёрланган қатор лавҳа ва интервьюлар ҳавола этилди. Дастур давомида Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатимиз Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида»ги фармони, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилажак тadbирлар, «Ёшлар йили» давлат дастури, мамлакатимизнинг сармовий ва сайёҳлик салохияти ҳақида ҳикоя қилувчи бир неча лавҳа намойиш этилди.

Кўрсатув доирасида, шунингдек, юртимизнинг етакчи корхоналари, Савдо-

саноат палатаси вакиллари, шунингдек мамлакатимизда фаолият юритаётган туркиялик дипломат ва ишбилармонлар-

билармонлар Ўзбекистонда ҳеч бир муаммага дун келатгани йўқ. Мамлакатда ишбилармонлар фаолиятини ҳар то-

рият томонидан амалга оширилаётган мустақил сибсатни оқори баҳолаш мумкин», — дейди журналист.

Дастур иштирокчилари Ўзбекистон бой маданий-тарихий меросга, жумладан, халқаро сайёҳликни ривожлантириш учун улкан салохиятга эга эканига алоҳида урғу бердилар. Юртимиз пойтахтининг юбилейи ҳусусида гапириб, иштирокчилар Тошкент жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо хисса қўшганига эътибор қаратишди. Тошкент 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани ва 2009 йилда шаҳар ўзининг 2200 йиллик тўйини тантана қилиши мазкур фикрнинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш жоизки, бу «TRT» каналининг май ойидаги Ўзбекистонга бағишланган учинчи кўрсатуви бўлди. Биринчи иккита кўрсатув «Дост Эли» дастури орқали май ойининг ўрталарида эфирга узатилган эди.

«Жаҳон» АА, Анкара

«TRT» ТЕЛЕКАНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

ЯҚИНДА ТУРКИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОРПОРАЦИЯСИ «TRT-2» КАНАЛИНИНГ ЖОНЛИ ЭФИРИДА МАМЛАКАТИМИЗГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.

нинг интервьюлари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Сўхбат чоғида кўрсатув иштирокчилари Ўзбекистон сармовяларни жалб этиш учун ишончли мамлакат эканини кайд этди. Бу ҳақда гапирар экан, «Евроосиё» уюшмаси раиси Хикмет Эрен ўтган йиллар давомида туркиялик ишбилармонлар Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларига сармоя киритишда фаол иштирок этиб келатганига эътибор қаратди.

— Қонун доирасида ишлаётган иш-

монлама рағбатлантириш ва химоя қилишга имкон берувчи тегишли қонунчилик базаси яратилган. Шу маънода айнан Ўзбекистонда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган автомобилсозлик саноати бунёд этилгани эътиборга молик ютқудир, — деди Х.Эрен.

Кўрсатув бошловчиси, туркиялик таниқли журналист Окан Мударрисўгли Ўзбекистон Туркия билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиб келатганини таъкидлади. «Ушбу мамлакат раҳба-

ШАҲРИМИЗДАГИ «7-АВТОКОРХОНА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА НАМУНАЛИ КОРХОНАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИ ПАЙТДА МАЗКУР АВТОКОРХОНА ЖАМОАСИ ТОМОНИДАН 11 ТА ШАҲАР ЙЎНАЛИШИ, БИТТА ШАҲАР АТРОФИ ВА ШАҲАРЛАРО ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА АҲОЛИНИНГ УЗОҒИ ЯҚИН ҚИЛИНМОҚДА.

Бунинг учун 11 та «Мерседес бенц 405», 39 та «Мерседес-бенц 345», 30 та «Исузу», 10 та «Лиаз», 16 та «ДЭУ» ва учта «Мерседес-Бенц» БКЮ транспортлари ажратилган. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида улар ёрдамида режадаги 11719 минг ўрнига 12057 мингдан ортиқ йўловчи ташинган эришилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 342 мингтага кўпдир. Бунинг натижасида автокорхонанинг даромади ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 139,7 фоизга ўсди. Шунингдек, бундай иқтисо-



Транспорт

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ — БОШ МЕЗОН

дий кўрсаткичлар деярли барча йўналишларда ўз аксини топди.

Бундан ташқари, автокорхона жамоаси асосий фаолиятдан ташқари 14254 минг сўм қўшимча даромад ҳам ишлашга муваффақ бўлди. Шу билан бир қаторда металл топшириш режаси ҳам ортиги билан урданди.

— Мана шу ишларнинг самараси натижасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратила бошланди, — дейди биз билан сўхбатда мазкур акциядорлик жамияти бошқаруви

раиси Рустам Мамараимов. — Жумладан, уларнинг маошларини ошириш, саломатликларини тиклаш борасида эътиборли ишлар амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида кадрлар кўнимсизлигига барҳам бериш имкониятини яратди. Энг асосийси, автокорхонага хайдовчи бўлиб ишга кириш истагида бўлаётганлар сони ҳам ортиди. Ёшлар йили муносабати билан ўтган тўрт ой мобайнида корхона жамоасида меҳнат қилаётган 9 нафар ёш йигитлар шартнома асосида хайдовчилик касбига ўқитишга юборилди. Амалга оширилаётган бу ишлар эса келгусида ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Ҳайлайимизки, «7-автокорхона»да амалга оширилаётган самарали ишлар шаҳримиздаги бошқа соҳа корхоналари учун ҳам ибрат бўла олади.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: «7-автокорхона» ОАЖ жамоаси фаолиятдан лавҳалар.



Республика Кардиология маркази ўтган йиллар ичида моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаб, замонавий тиббий техника аппаратлари билан жиҳозланди. Шуларнинг натижаси ўлароқ Марказий Осиёда ягона бундан 8 та ихтисослаштирилган бўлинмага эга бўлган клиника ишга туширилди. Бугунги кунда мазкур тиббиёт муассасасида 10 нафар фан доктори, 30 нафардан зиёд фан номзодлари ва олий тоифали шифокорлар беморларни ихтисослашган йўналиш бўйича даволаб келмоқдалар. Клиника шароитида бир йилда 6,5 мингдан зиёд бемор даволабни чиқса, маслаҳат поликлиникасида 30 мингдан кўпроқ беморларга тўғри ташхис қўйилиб, маслаҳатлар бериб борилади.

—Бизнинг клиникамизда, — дейди Республика Кардиология маркази бош директори Равшан Қурбонов, — давлатимиз томонидан қўйилган вазифалар босқичма-босқич бажариб келинмоқда. Юрак-томир касалликларининг асосийларидан бўлган артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, қон айланисининг етишмовчилиги, юрак аритмиялари каби касалликларнинг асоратларини даволаш ва стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, нуфузли хорижий илмий марказлар билан алоқа ўрнатиш, кадрларни қайта тайёрлаш каби бажарилган вазифалар шулар жумласига кирди. Шунингдек, Россия Федерацияси Тиббиёт фанлари академиясининг Сибирь филиалига қарашли Томскдаги Кардиология илмий- текшириш институти билан тузилган битим, айни кунларда самара бермоқда. Ушбу шартномага асосан Кардиология марказининг бир гуруҳ илмий ходимлари 2007 йилда Томскда бўлиб, замонавий кардиологиянинг энг оқори технологияларидан бири бўлган юрак аритмияларни кўкрак қафасини очмасдан даволаш услубларини ўрганиши ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб амалда қўллашди. Масаланинг моҳияти шундаки, юрак аритмиялари, яъни юракнинг нотекис уриши билан боғлиқ касалликлар ҳаётга энг кўп хавф соладиган тоифага кирди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш истар эдимки, юрак аритмияларининг кўп турлари дорилар таъсирида босилади, лекин бутунлай йўқолиб кетмайди. Шунинг учун ҳам уларни жарроҳлик йўли билан даволашга эҳтиёж катта. Аммо яқин-яқингача бундай жарроҳлик усулининг кўпчилиги кўкрак қафасини очиб орқали бажарилган ва жуда қўнлаб асоратларга олиб келган, шунинг учун ҳам оммавий туш ололмаган. Кардиологлар, кардиохирурглар, турли хил ораллик (техника, физика ва бошқа) фанлар соҳибларининг сайёҳаратлари туфайли янги йўналиш—юрак электрофи-

Саломатлик

ДАВОЛАШНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА НОЁБ УСУЛИ

ЯҚИНДА РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЮРАК АРИТМИЯ ХАСТАЛИГИНИ ЖАРРОҲЛИК (АБЛАЦИЯ) ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШНИНГ НОЁБ УСУЛИ, НАТИЖАЛАРИ, МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ЯҚИН КЕЛАЖАҚДАГИ САМАРАЛИ РЕЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

моламаларига эга бўлган «РТС-612М» рентген аппарати ва ЭЛКАРТ 2 комплекси шулар жумласидандир. ЭЛКАРТ 2 хар хил блоклардан иборат. Унинг «ишчи» қисмларидан бири махсус электрод бўлиб, ингичка найча шаклига эга. Беморнинг оёғи томир орқали киритиладиган бу махсус найча бир зумда юракка этиб боради ва зарур бўлган жойга хусусан ўнг бўлмача ва қоринчага, зарур бўлса юракнинг чап бўлимига ҳам киритилади. Юракнинг турли қисмларидан электрограммалар (юрак ичи ЭКГси) ҳам ёзиб олиниб аритмияга сабаб бўлган жойни аниқ белгилаб беради. Операция хонасида жойлашган ЭЛКАРТ 2 нинг бошқа қисми ёрдамида ҳосил бўладиган махсус радиотўлқинли ток юракка жойлашиб турган найчага узатилади ва унинг ёрдамида аритмияни чақириб турган майдон текисланади, бунга абляция дейилади. Қайд қилинган барча жараёнлар телерентген моламалар ёрдамида махсус экранга узатилиб, уни жарроҳлар катта эътибор билан кузатиб боришади ва ўз хатти-ҳаракатларига баҳо беришади. Бугунги кунда бизнинг Кардиология марказимиз шундай мураккаб операциялардан бештасини муваффақиятли тарзда ўтказди. Ис-

таймизки беморларимиз ҳеч қачон азият чекишмасин, нима бўлган тақдирда ҳам инсон саломатлигини тиклаш, уни асраб-авайлаш биз шифокорларнинг муқаддас ва шарафли вазифамизга кирди. Бу йўлдаги ҳар қандай машаққат ва меҳнат биргина тузалаётган беморнинг табассуми ва миннатдорчилиги билан бутун чарчовимизни олади.

Дарҳақиқат, Республика Ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Равшан Қурбоновнинг маслаҳатлари ва назорати остида республикамизнинг беш нафар фуқароси муваффақиятли тарзда ушбу операциядан чиқди. Операция жараёнида Россия Федерацияси Тиббиёт фанлари академиясининг Сибирь филиалига қарашли Томскдаги Кардиология илмий- текшириш институтининг «Юрак ритми бузилишларини хирургик даволаш ва электрокардиостимуляция» бўлими раҳбари Сергей Попов иштирок этиб, Республика Ихтисослаштирилган кардиология марказининг катта илмий ходими Баҳром Жалолов ва кичик илмий ходим Ойбек Салаев билан операцияларнинг бештаси амалга оширилди.

Ушбу фидойи инсонлар туфайли республикада катта жараён бошланди. Эндликда хорижа чиқиб, катта харажатлар эвазига даволанадиган беморлар сони камайдиган бўлди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, инсон ҳаётига хавф солувчи аритмияларнинг кўпчилиги артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, жумладан миокардининг ўткир инфаркти туфайли юзага келади. Бугунги кунда аритмия ва бошқа касалликларнинг олдини олиш бўйича мамлакатимизда самарали изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан артериал гипертония касаллиги аҳолимизнинг 25 фоизда, юрак ишемик касаллиги 11 фоизи, миокардининг ўткир инфаркти эса бир фоизда учраб туриши аниқланди. Қўрилаётган чоралар натижасида инфарктдан стационарда содир бўладиган ўлим даярили уч баравар камайди. Артериал гипертониянинг миллионлашган хос бўлган генетик томонлари чуқур ўрганилмоқда. Унинг асоратларининг олдини олиш бўйича қатор ютуқлар қўлга киритилди. Шунга қарамастан кардиология фани ва тизимининг ечимини топмаган муаммолари кўп», — дея таъкидлаб қўйди профессор Қурбонов.

Анжуман доирасида журналистларга «Абляция» операциясидан олинган тасвирлар намойиш қилиниб Р.Қурбонов томонидан шарҳлаб берилди. Шунингдек, уларга 12-13 ғун кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган навбатдаги кардиологларнинг илмий-амалий анжумани ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

Иқтисодиёт

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҲАММА-НАРСАДАН АФЗАЛ. БУНИНГ ҚАДРИНИ ЭСА БЕТОБЛАНИБ ҚОЛГАНИМИЗДА АЙНИҚСА, ЯҚҚОЛ СЕЗАМИЗ. АНА ШУНДАЙ ПАЙТДА БИЛИМДОН ШИФОКОРЛАР ВА УЛАР ТАВСИЯ ЭТГАН СИФАТЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЖОНИМИЗГА ОРО КИРАДИ.

Сифатли ва зарур, инсон соғлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этадиган дори-дармонлар тайёрлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган «Универсал-фарм» Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси ҳозирда 2 та йўналиш бўйича фаолият кўрсатмоқда. Биринчи йўналиш бўйича сув эритмалари тайёрлаш йўлга қўйилган бўлса, иккинчиси халдори (таблетка)лар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Корхонада 160 нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, тadbиркорлар четдан келтирадиган дори-дармонлар ўрнини босувчи ана шундай товарлар билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотларни замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришмоқда.

Ушбу дори-дармонларни тайёрлашда эса Ҳиндистон ва Хитой давлатларидан келтирилган хом ашё қўл келмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, сертификатланган мазкур дори-дармонлар сифатли бўлиши баробарида нисбатан арзондир.

Корхона ўз маҳсулотларини «Дори-дармон» уюшмаси ҳамда хусусий дорихоналар орқали истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Шунингдек, тadbиркорларнинг изланишлари асосида тайёрланаётган дориларга айни пайтда Қирғизистон, Туркменистон ва Қозоғистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Шу боис ҳам келгусида ушбу қўшни мамлакатларга экспортни йўлга қўйиш учун сайёҳаракатлар олиб бориляпти.

Корхонада махсус лаборатория фаолият кўрсатиб, маляули мутахассислар янги дори-дармонлар яратиш устида иш олиб боришмоқда. Утган йилда тайёрланган «Юнипром» ва «Юнифлам» дорилари ҳам ана шундай изланишлар самараси бўлиб, улардан саломатликни тиклаш йўлида фойдаланилмоқда.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИЛАДИ

ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ЎРНИНИ БОСУВЧИ ТОВАРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИ ИЗЛАНИШЛАРИ БОИС ҲАМ «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИКЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРДА МУНОСИБ ХАРИДОРИГА ЭГАДИР.

Биргина поролон маҳсулотини оладиган бўлсак, мебель, автомобилсозлик ва бошқа соҳаларда керакли бўлган ушбу товарлар мамлакатимизга четдан келтирилари. Айни пайтда эса ушбу маҳсулот маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган «SIMAKX PARS» хусусий корхонасида тайёрланиб, ички бозор эҳтиёжини қоплашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Рақобатбардош поролон маҳсулотини тайёрлашда асосан Россиядан келтирилган хом ашёдан фойдаланяпти, — дейди корхона директорининг ўринбосари Мурод Маҳкамов. — Утган йилда маҳаллийлаштириш дастури режасини 112 фоизга бажаришга муваффақ бўлди. Республикада қўнлаб мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, «Самавто» корхонаси асосий буюртмачиларимиз сирасидандир. Ҳозирда буртмачиларимиз эҳтиёжини бажаришга эришяпти. Бу борада 20 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларимиз меҳнатини таъкидламоқ жоиз. Поролон маҳсулотларини буюртмага қараб турли ранг ва ҳажмда тайёрлаш имкониятига эгамиз.

Жорий йилда таъбиркор жамоа ахли бозорини ўрганиш асосида янги маҳсулот—пўкак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида Россиядан янги дастгоҳ келтиришни режалаштирган. Янги цех очилиши натижасида бир неча қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади. Энг муҳими эса иқтисодиётимиз ривожига тadbиркор жамоа ахлининг ҳиссаси ҳам ортиб боради.

Шарофат БАҲРОМОВА

Алоқа

ҚУТЛУФ САНАГА БАҒИШЛАБ

БУ ЙИЛГИ БУТУНЖАҲОН ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ АХБОРОТ ЖАМИЯТИ КУНИ «ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ИНСОНЛАРНИ БИРЛАШТИРИШЛИК: АХБОРОТ-КОМУНИКАЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ БАРЧА УЧУН» ДЕГАН ШИОР ОСТИДА НИШОНЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ УЮШМАСИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР СОҲА ХОДИМЛАРИГА ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

Ҳозир уюшма таркибида 55 та ахборот-телекоммуникация ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Электрон рақамли калитларни руйхатга олиш марказлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тadbирлар ҳам яхши самара бермоқда. Кутубхона ва хизмат кўрсатиш тизимларида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилди.

ЭНГ ЯХШИ ДАСТУРЧИЛАР ҒОЛИБ

«BEST SOFT —UZBEKISTAN-2008» ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ДОИРАСИДА УЮШТИРИЛГАН ТАНЛОВДА ЭНГ ЯХШИ ДАСТУРЧИЛАР ҒОЛИБЛИКНИ ҚўЛГА КИРИТДИЛАР.

Еш дастуричиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида танловда қатнашганлардан бир нечтасининг ҳам юзи ёруғ бўлди. Фан-техника ва маркетинг тadbирчилари маркази ахборот тизимининг изланишлари ҳам муносиб тақдирланди. Ғолиблар орасида электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси вакиллари ҳам бор.

КЕНГАШ СТИПЕНДИАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАҲСИЛ КЎРАётган ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ЎЗ СТИПЕНДИЯСИНИ ТАЪСИС ЭТДИ.

Яқинда бундай номдор стипендияга бир неча толиби илм сазовор бўлди. Савқиз нафар иқтидорли талабага бир ўқув йили мобайнида марказий кенгашнинг стипендияси берилади. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Улугбек номидаги академик лицейдан тавсия этилган номзодлар ҳам бундай имтиздан фойдаланадилар.

Ақбар АЛИЕВ

Гулчохра ДҮРДИЕВА.



(Давоми. Бош 3-бета).

8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет»... 9.15, 11.25, 19.20, 20.15 ТВ юрист... 9.20 «Хумо»...

17.00 Serial «Сабрина - маленькая ведьма»...

17.30 «Галилео»... 18.00 «Горизонт» Serial... 21.58 Скажи!... 22.00 Х/ф «Компаныон»...

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро»... 8.00, 9.30, 18.30, 20.30 «Хабарлар»... 8.25 «Малахов +»...

«Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости... 5.10 «Неизвестный Кремль»... 6.10 Комедия «Кадриль»...

«Россия»

4.45 «Гость из Кубани» Х/ф... 6.05 «Женитба Балъаминова» Х/ф... 8.05 «Верните Дитя» М/ф...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильм... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«СТС»

7.00 «Агротивни» М/ф... 7.25, 7.50, 8.10, 8.30 «Маугли. Похищение» М/ф... 8.55 «Умелые Манин» М/с...

«Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости... 5.10 Х/ф «Коллеги»... 7.00 Рождение легенды «Бриллиантовая рука»...

ПАЙШАНБА, 12

«Узбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Икким»... 7.05, 23.10 «Икки тақдир» Т/с...

«Россия»

4.45 «Гость из Кубани» Х/ф... 6.05 «Женитба Балъаминова» Х/ф... 8.05 «Верните Дитя» М/ф...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильм... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«СТС»

7.00 «Агротивни» М/ф... 7.25, 7.50, 8.10, 8.30 «Маугли. Похищение» М/ф... 8.55 «Умелые Манин» М/с...

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Бодрое утро»... 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00 Новости... 8.25 «Малахов +»...

«Узбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Икким»... 7.05, 23.10 «Икки тақдир» Т/с...

«Россия»

4.45 «Гость из Кубани» Х/ф... 6.05 «Женитба Балъаминова» Х/ф... 8.05 «Верните Дитя» М/ф...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильм... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«СТС»

7.00 «Агротивни» М/ф... 7.25, 7.50, 8.10, 8.30 «Маугли. Похищение» М/ф... 8.55 «Умелые Манин» М/с...

«Первый канал»

4.00 «Бодрое утро, Россия!»... 7.50 «Старые русские бабки. Никитина-Маврикия»...

«Узбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00 «Икким»... 7.05, 23.10 «Икки тақдир» Т/с...

«Россия»

4.45 «Гость из Кубани» Х/ф... 6.05 «Женитба Балъаминова» Х/ф... 8.05 «Верните Дитя» М/ф...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильм... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«СТС»

7.00 «Агротивни» М/ф... 7.25, 7.50, 8.10, 8.30 «Маугли. Похищение» М/ф... 8.55 «Умелые Манин» М/с...

«Первый канал»

4.00 «Бодрое утро, Россия!»... 7.50 «Старые русские бабки. Никитина-Маврикия»...

«Узбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00 «Икким»... 7.05, 23.10 «Икки тақдир» Т/с...

«Россия»

4.45 «Гость из Кубани» Х/ф... 6.05 «Женитба Балъаминова» Х/ф... 8.05 «Верните Дитя» М/ф...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильм... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«СТС»

7.00 «Агротивни» М/ф... 7.25, 7.50, 8.10, 8.30 «Маугли. Похищение» М/ф... 8.55 «Умелые Манин» М/с...

«Первый канал»

4.00 «Бодрое утро, Россия!»... 7.50 «Старые русские бабки. Никитина-Маврикия»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильм... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«СТС»

7.00 «Агротивни» М/ф... 7.25, 7.50, 8.10, 8.30 «Маугли. Похищение» М/ф... 8.55 «Умелые Манин» М/с...

«Первый канал»

4.00 «Бодрое утро, Россия!»... 7.50 «Старые русские бабки. Никитина-Маврикия»...

«Узбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00 «Икким»... 7.05, 23.10 «Икки тақдир» Т/с...

«Россия»

4.45 «Гость из Кубани» Х/ф... 6.05 «Женитба Балъаминова» Х/ф... 8.05 «Верните Дитя» М/ф...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильм... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»... 8.15 М/ф «Мир Бобби»...

«СТС»

7.00 «Агротивни» М/ф... 7.25, 7.50, 8.10, 8.30 «Маугли. Похищение» М/ф... 8.55 «Умелые Манин» М/с...

«Первый канал»

4.00 «Бодрое утро, Россия!»... 7.50 «Старые русские бабки. Никитина-Маврикия»...

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2008 йил 9 майдан 9 июн гача шов-шуви томошалар! «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки... ҲАМШАХАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ, ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ: Илк бор циркимиз манежида Хитой артист-акробатлари Хитойлик «Шаолинь» роҳиблари...

ХУРМАТЛИ ҲАМШАХАРЛАР! Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, курсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир. Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлималарида амалга оширилади. Фақат умумий савий-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

«Республика Кўчмас мулк» биржаси ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан 2008 йил 1 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Аукцион савдосига тақдоран, Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижролари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.12.2007 йилдаги ЖСК-1-629/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланган «ИЖ 2715» русумли, д/р 30Е8055 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм. Автотранспорт воситаси билан туман суд ижролари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва саноини курсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Рахимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р: 20210000500571452105. Манзил: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, М.Ўраббоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр курсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3246 нускада босилади. Қоғоз босими А-2. Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашриёт-натиба оқишкорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Ўқуқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3456